

Талоқ (рисола) (10)

05:00 / 15.02.2017 4514

ИЙЛОНИНГ БАЁНИ

Ийлонино луғавий ва шаръий маъноси: Ийло луғатда аҳд қилмоқ, қасам ичмоқ деган маъноларни англатади. Шаръий истилоҳда тўрт ой ёки ундан ортиқроқ муддат ичида аёлига яқинлик қилмасликка қасам ичишни ийло деб айтилади.

وَأَهْتَجُوزُ نَابِرُقَ كَرْتِى لَع نَاكَ ءَاوَسَ . اِقْلَطْمَ نِيْمِيْلَا غَلَلَا يِفْ هَانَعَمْ ءَالِيْإِلَا
نَابِرُقَلَطْ ءَاوَسَ هَتَجُوزُ بَرُقِيْ اَلْ نَابِرُقَلَطْ فَلَاحَلَا وَهَفْ عَرَشَلَا يِفْ هَانَعَمْ اَمْ اَخَلَا هَرِيْغْ
دِيْقْ وَ اَدْبَا اَهَبْرُقَا اَلْ هَلَلَاوْ : لَاقْ نَابِرُقَلَطْ اَدْبَا ظَفَلَبْ دِيْقْ وَ اَيْتَجُوزُ اَطَا اَلْ هَلَلَاوْ : لَاقْ
ءَدْمْ وَ اَرَهْشَا ءَسْمَخْ ءَدْمْ يَتَجُوزُ بَرُقَا اَلْ هَلَلَاوْ : لَاقْ نَابِرُقَلَطْ اَمْ فَرَهْشَا ءَعَبْرَا ءَدْمْ بْ
. ضْرَاَلَاوْ تَاوَمْسَلَا تَمَادَا مْ وَ اَهْرَمْعْ لُوَطْ وَ ءَنَسْ .

“Ийло луғатда, аёли билан яқинлик қилишни тарк қилишга ёки бошқа нарсага мутлоқ қасам ичишдир. Шариатдаги маъноси, эр аёлига: “Аллоҳга қасамки, аёлим билан яқинлик қилмайман” ёки абадий лафзи билан қайдлаб: “Аллоҳга қасамки, у билан абадий яқинлик қилмайман” ёки тўрт ой ёки ундан кўпроқ муддатни қайдлаб: “Аллоҳга қасамки, аёлимга беш ой ёки бир йил ёки умрбод ёки осмону ер турғунича яқинлик қилмайман” деб, яқинлик қилмасликка қасам ичишдир” (Китобул фикҳ алаал мазаҳибил арбаа).

Шунинг учун бирор киши тўрт ой ёки ундан кўпроқ муддат ичида аёли билан ўзини сустиги ёки аёлидан норозилиги туфайли аёли билан қасамсиз қўшилмаса, бас бу ийло дейилмайди.

فَلَحْ نَوْدَ نَمْ اَبْضَغْ وَ اَلْسَاكْتِ اِدْعَاَصَفْ رَهْشَا ءَعَبْرَا يَطُوْلَا كَرْتِى وَلَفْ فَلَاحْ هَلُوَقْ
. اَعْرَشْ ءَالِيْ اَبْ سِيْلَفْ .

“Мусаннифнинг “қасамдир” деган қавли, яъни бепарволик ёки қасам ичмай аччиқ қилиб тўрт ой ёки ундан кўпроқ муддат яқинлик қилишни тарк қилиш шаръий ийло ҳисобланмайди” (Умдатур риоя).

ИЙЛОНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Эр-хотин алоқалари доимий ҳисобланади. Лекин, ушбу алоқа доим ҳам бир хил тарзда бўлавермайди. Балки, баъзи бир сабаблар юзага келиб, ўртадаги алоқалар гоҳо ундай, гоҳо бундай бўлиб туради. Лекин, шариати исломия оилада ўзаро келишмовчилик чиқиб, эр-хотин ришталари узилишини ва бири иккинчисидан гўё эр-хотин бўлмагандек узоқ бўлишларини хоҳламайди. Шунинг учун Қуръони карим бунинг ечимини баён қилиб, эр тўрт ой ёки ундан зиёда муддат давомида аёлимга яқинлик

қилмайман деб, қасам ичса ва тўрт ой давомида яқинлик қилмаса, эр-хотин ришталари узулишини айтган. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилган:

نِ اَوْ مِيحَرُّ رُوْفَعَهٗ لَلْاِنْفِ اَوْ اَفْنِ اِفْرِشْ اَعَبْرَا صُبْرَتِ مَوئِاسِنَ نَمَنْ وُلُوْىِ نِي دَلَل
مِ لَعُ عِي مَسَّ لَلْاِنْفِ قَالَطَلَا اَوْ مَزَع

“Хотинларидан ийло қилганлар учун кутиш тўрт ойдир. Агар қайтсалар, бас, албатта, Аллоҳ мағфиратли, раҳмли зотдир. Ва агар талоқни қасд қилсалар, бас, албатта, Аллоҳ эшитувчи, билувчи зотдир” (Бақара 226-227 оят).

ИЙЛОНИНГ ШАРТЛАРИ

Ийлонинг тўрт шарти бўлиб, улар:

1. **Маҳаллиятут талоқ** – ийло вақтида аёл ийло қилувчининг никоҳида бўлиши. Агар бир киши бегона аёлга тўрт ой ёки унда зиёдо яқинлик қилмайман деб, қасам ичса ва унга уйланиб, тўрт ойгача унга яқинлик қилмаса, бас бу киши ийло қилувчи бўлмайди. Ҳа, агар ийлони никоҳ томонга таълиқ қилиб: “Агар сенга уйлансам тўрт ойгача сенга яқинлик қилмайман” деб қасам ичиб, сўнг унга уйланса, бас бу киши ийло қилувчи бўлади ва никоҳдан кейин ийло боғланади. Агар тўрт ой ичида аёлига яқинлик қилса, қасамини бузган ҳисобланиб, у кишига қасамнинг каффорати лозим бўлади. Шунингдек боин талоқ қўйилган аёлни ҳам ийло қилиш дуруст эмас. Чунки, ийлонинг дуруст бўлиши учун ийло қилинмиш аёл ийло қилувчи кишининг никоҳида бўлиши лозимдир. Боин талоқ билан эр-хотинлик ришталари узилади ва агар боин талоқ қўйилган аёлга ийло қилиб, сўнг унга яқинлик қилиб қўйса, қасам сабабли каффорат лозим бўлади. Ҳа, агар ражъий талоқ қўйилган аёлга ийло қилинса, ийло дуруст бўлади. Чунки, ражъий талоқ ийло маҳалли ҳисобланади. Зеро, ражъий талоқдан кейин ҳам эр-хотинлик боқий қолади. Шу боис ражъий талоқ қўйилган аёл билан қўшилиш мумкин дир. Агар ражъий талоқ иддаси ийло муддати ўтишидан олдин тугаб қолса, ийло соқит бўлади. Чунки, идда тугаганлиги сабабли ийло маҳалли бекор бўлади.

نَمَّ اَلْاَوْ لَوَّ وَّ اَعْلَلَّ اِي ضُمَّبُ لُ طَبَّي وَّ اِي جَوَزَلَا اَعْقَبَلَّ حَصَّ اِي عَجْرَةَ قَلَطْمَلَا نَمَّ اَلْاَوْ
حَصَّ اِي اَلَّ رَمَّ اَمَّ كَلَّ لَمَلَّ اَفْضِي مَلَّ وَّ اَلْاِي اَلَّ اَلَّ اَعْبَّ اِي اَهَّ كَنَّ اِي بَنَّ جَا وَّ اَهَّ نَابُمَّ
نَمَّ اِي مَلَّ اَلَّ اَعْقَبَلَّ رَفَّ كَا اَهَّ طَوْ وَّ لَوَّ اَحَّ مَّ تَا وَّفَلَّ

“Эр-хотинлик ришталарини боқий қолгани сабабли ражъий талоқ иддасида ўтирган аёлни ийло қилиш дурустдир. Лекин, идда тугаши билан ийло ботил бўлади. Боин талоқ иддасидаги ёки бегона аёлни мулкка изофа қилмай ийло қилиб, сўнг унга никоҳланса, маҳал фавт бўлганлиги туфайли ийло дуруст бўлмайди. Лекин, тўрт ой ичида яқинлик қилса, қасамни боқий тургани учун

унинг зиммасига каффорат вожиб бўлади” (Дуррул мухтор).

نَاكَ كُبْرًا أَلَّهَ لَلْأَوْفِ كُتِّجَّوَزَتْ نِ: لَأَقُ نَبَّابٌ عَفَاضًا إِذَا أَمَّا كَلْمَلَلُ هُفَضِّي مَلَو
أَيُّوُمُ .

**“Мулкка изофа қилинмаса” дейилди, агар мулкка изофа қилиб:
“Агар сенга уйлансам, Аллоҳга қасамки, сенга яқинлик қилмайман”
деса, ийло қилувчи бўлади”** (Раддул мухтор);

2. **Талоққа аҳлият** – талоқда қандай шартлар мавжуд бўлса, ийлода ҳам ўша шартлар топилиши лозим, яъни ийло қилувчи киши ақлли, болиғ бўлиши зарурийдир. Шу боис балоғатга етмаган бола ёки мажнун ийло қилишни хоҳласа, унинг ийлоси дуруст бўлмайди.

حُورًا لَّهْوَ خَلَّأَلِي لَزِيحَتَاتٍ قَوَّحَ وَكُنَّ مَأُونَكِبَ أَرْمَلًا هِيَّ لَحَمٌ هُطَّرَشَو
قَالَ طَلَلُ .

“Ийлониш шарти ийло рўёбга чиқаётган пайтда аёлда маҳаллият, яъни ийло қилувчининг никоҳида ва эрни талоққа аҳл бўлиши лозимдир” (Дуррул мухтор).

نَمَّ أَسِي لَأْمُهُ نَأَلِ نُونُ جَمَلٍ أَوِّي بَصَلِ أَلِي حَصِي أَلَفِ غُؤُلُبَلِ أَوْلَقَعَلِ طَارَتْ شَأَدَافًا
قَالَ طَلَلُ .

“Ийлода ақл билан балоғат шарт қилинади. Балоғатга етмаган бола ва мажнуннинг ийлоси дуруст бўлмайди. Чунки, у иккиси талоқ қўйишга аҳл эмаслар” (Раддул мухтор);

3. **Яқинликни бирор жойга хослаб қўймаслик**, яъни ийло қилаётган киши бирор хос жойга хослаб: “Аллоҳга қасамки, уйда сен билан алоқа қилмайман ёки отангинг уйда яқинлик қилмайман ёки фалон жойда сенга яқинлик қилмайман” деса, бас бу ийло эмас, балки, қасам ҳисобланади. Агар белгиланган жойда яқинлик қилса, қасамнинг бузганлиги каффорати лозим бўлади.

رَهْرِيغَ يِفْ أُنَابَرُقُ نَكْمِي هِنَأَلِ نَاكَمَبِ دِّي قِي أَلْ نَأْ أَهْ نَمَّوَحَلِ هَطَائِرَشَو نَمَّو

“Ийло бирор макон билан қайдланмаслиги ийло шартларидандир. Чунки, тайин қилинган макондан бошқа жойда аёли билан яқинлик қилиши мумкиндир” (Раддул мухтор);

4. **Тўрт ойдан бирор кунни истисно қилмаслиги**. Агар истисно қилса, шаръий ийло бўлмайди. Масалан, бир киши аёлига: “Тўрт ойгача ёки бир йилгача яқинлик қилмайман. Лекин, бундан бир кун истисно” деб айтса, бу ийло бўлмайди. Чунки, бир кун ноаниқ бўлиб, тўрт ойнинг қайсидир бир куни бўлиши мумкин. Ийло эса, тўрт ойдан бир кун ҳам кам бўлмаслиги керак. Агар бир киши аёлига: “Аллоҳга қасамки, бир йил яқинлик қилмайман. Лекин, бир кун бундан мустасно” деса ва кетидан аёли билан яқинлик қилса, сўнг тўрт ой ёки ундан кўпроқ вақт аёли билан қўшилмаса, ийло собит бўлади. Чунки, истисно сабабли ийло йўқ ҳукмида эди. Қасам

кетидан қўшилиш билан ийло собит бўлди.

مَلْ أَمْوِيَّ الْإِثْمَانِ كُبْرَقَا الْهَلْ لَوَا لَاقْ وَأَخْلَلِ دُمْلَا نَعِ صُقْنَلْ أَمْ دَعِ وَطِيَّ أَرْشْ نَمْوْ
أَيْلُومْ رَاصْ رَثْ كَأَفْ رُشْ أَعْبَرَا نَسْلَا نَمْ يَقَبْ وَاهَبْرَقْ نَلْبَلْ أَلْ لْ أَيْلُومْ نُكَيَّ

“Тўрт ой муддатдан кам бўлмаслиги ийло шартларидандир. Агар бир киши аёлига: “Аллоҳга қасамки, бир кун кам бир йил яқинлик қилмайман” деса, ўша заҳоти ийло қилувчи бўлмайди. Балки, аёлига яқинлик қилгандан кейин қасам ичган йилидан тўрт ёки ундан кўпроқ муддат қолса ийло қилувчига айланади” (Дуррул мухтор).

ИЙЛОНИНГ ҚИСМИ ВА ҲУКМЛАРИ

Ийло икки хил бўлади:

1. Абадий ийло;
2. Муваққат ийло.

Ийлои муваққатнинг икки сурати бор. Улар:

1. Тўрт ойдан кам муддатга қасам ичиш;
2. Тўрт ой ва ундан кўп муддатга қасам ичиш.

Биринчи суратда ийло дуруст бўлмайди. Шунинг учун бир киши: “Бир ёки икки ёки уч ойгача аёлим билан яқинлик қилмайман” деб қасам ичса, бу шаръий ийло бўлмайди ва ийлонинг ҳукми унга татбиқ қилинмайди. Агар эр аёлига юқорида зикр қилинган ойлarda яқинлик қилмаса, эрга ҳам, аёлга ҳам ҳеч нарса лозим бўлмайди. Агар икки ой ичида яқинлик қилса, аёлга талоқ воқе бўлмай, қасамни бузганлиги учун эрга қасамнинг каффорати лозим бўлади.

رەشاعە برا ح ل ل ي ه و ا ه ن م ل ق ا ي ل ع ف ل ح و ل ا ل ي ا ل ف .

“Ийло муддатидан озга қасам ичиш билан ийло дуруст бўлмайди. Ийло муддати тўрт ойдир” (Шарҳул виқоя).

س ي ل و ه ف ا ر ه ش و ا ن ي ر ه ش ا ه ا ط ي ا ل ن ا ف ل ح ن ا ه ل ص ا ح و ا ع ر ش ي ا ا ل ي ا ل ف ه ل و ق
ة د م ل ا ك ل ت ا ط ي م ل ن ا ه ن ا ه م ك ح ل ب ي ت ا ل ا ه م ك ح ه ي ل ع ب ت ر ت ي ا ل و ي ع ر ش ا ل ي ا ب
. ن ا م ي ا ل ا ر ئ ا س ي ف ا م ك ن ي م ي ة ر ا ف ك ي د ا ا ه ي ف ئ ط و ن ا و ه ي ل ع ع ي ش ا ل

“Агар икки ой ёки бир ой яқинлик қилмасликка қасам ичса, у шаръий ийло ҳисобланмайди. Уни устига келгусида келувчи ҳукмлар ҳам тартиб топмайди. Балки, агар ўша муддат ичида унга яқинлик қилмаса, зиммасига ҳеч нарса лозим бўлмайди. Агар яқинлик қилиб қўйса, бошқа қасамларини бузганларидек, қасамнинг каффорати лозим бўлади” (Умдатур риоя).

Иккинчи сурат шуки, эр: “Тўрт ой ёки ундан зиёда муайян муддатда аёлимга яқинлик қилмайман” деб қасам ичса ва тўрт ой ичида аёлига яқинлик қилса, ийло бекор бўлиб, аёл эрнинг никоҳида қолади. Лекин, қасамни бузганлиги учун эрга каффорат лозим бўлади. Агар эр ичган

қасамини бузмай, ичган қасамига мувофиқ тўрт ой ёки тўрт ойдан зиёда муайян муддатгача аёлига яқинлик қилмаса, аёлга боин талоқ воқе бўлади ва шу билан ийло тугаб эрга қасамнинг каффорат лозим бўлмайди.

رَفَعْنَا لَكَ ذُنُوبَكَ وَأَعْتَمِرْنَا لَكِ الْوَيْلَ وَالْآسَفَ عَلَىٰ مَا كَانَتِ تَعْمَلِينَ ۗ لَوْلَا رَحْمَتُ رَبِّنَا عَلَيْكَ لَأَسَفْتِ أَفْوَاجًا ۗ وَمَا كَانُوا بِآيَاتِنَا لَدَائِعًا مُّغْتَمِرِينَ
تَضَمَّنْ وَأَنْتَ لَدَىٰ رَبِّكَ فَكَّرْ ۗ وَمَا يَكْفُرُ بِآيَاتِنَا إِلَّا الْإِنْسَانُ الْأَكْفَرُ ۗ

“Агар тўрт ой ичида яқинлик қилиб қўйса, қасамхўр бўлиб, каффорат лозим бўлади. Чунки, каффорат қасамхўрлик вожиб қилган нарсадир. Ийло эса соқит бўлади. Чунки, қасам қасамни бузиш билан бекор бўлади. Агар тўрт ой ичида яқинлик қилмаса, хотин бир боин талоқ бўлади” (Ҳидоя).

Абадий ийло – абадий аёлга яқинлик қилмасликка қасам ичиш абадий ийло дейилади. Масалан, эр аёлига: “Аллоҳга қасамки, абадий сенга яқинлик қилмайман” деса ёки абадий лафзисиз эр аёлига: “Аллоҳга қасамки, сенга яқинлик қилмайман” деса, бас икки лафз билан ичилган қасмининг ҳукми бир хилдир, яъни эр бундай ҳолатда тўрт ой ичида аёлига яқинлик қилса, ийло тугаб, ичган қасамини бузганлиги учун қасам каффоратини тўлайди. Агар тўрт ойгача яқинлик қилмаса, аёлга бир боин талоқ воқе бўлади ва ийло давом этади. Бир боин талоқдан кейин эр аёлни никоҳ билан ўзига қайтариб олса, абадиятга ичилган ийло яна давом этади. Агар яна тўрт ой ичида эр аёли билан қўшилса, ийло тугаб, ичган қасмининг бузганлигини каффоратини тўлайди. Агар иккинчи никоҳдан кейин ҳам эр аёлига тўрт ой ўтгунча яқинлик қилмаса, иккинчи боин талоқ воқе бўлади ва ийло давом этади. Иккинчи боин талоқдан кейин эр аёлини никоҳ билан ўзига қайтариб олса ва тўрт ойгача яқинлик қилмаса, учинчи муғаллаза боин талоқ воқе бўлади. Учинчи талоқдан кейин аёл идда ўтириб, ундан кейин шаръий ҳалоласиз аввалги эрига қайта олмайди. Шаръий ҳалолодан кейин аввалги эрига никоҳланса, абадиятга ичилган ийло бекор бўлади. Агар эр аёлига бундан кейин ҳам тўрт ойгача яқинлик қилмаса, боин талоқ воқе бўлмайди. Лекин, эр аёлига яқинлик қилса, ичган қасамининг бузганлигини каффоратини тўлайди. Чунки, ийло таълиқут талоқ каби милкка боғланган эди. Милк янгилангандан кейин таълиқут талоқни асари боқий қолмаганидек, ийлонинг асари ҳам боқий қолмайди. Лекин қасам боқий қолади.

تَضَمَّنْ وَأَنْتَ لَدَىٰ رَبِّكَ فَكَّرْ ۗ وَمَا يَكْفُرُ بِآيَاتِنَا إِلَّا الْإِنْسَانُ الْأَكْفَرُ ۗ
رَفَعْنَا لَكَ ذُنُوبَكَ وَأَعْتَمِرْنَا لَكِ الْوَيْلَ وَالْآسَفَ عَلَىٰ مَا كَانَتِ تَعْمَلِينَ ۗ لَوْلَا رَحْمَتُ رَبِّنَا عَلَيْكَ لَأَسَفْتِ أَفْوَاجًا ۗ وَمَا كَانُوا بِآيَاتِنَا لَدَائِعًا مُّغْتَمِرِينَ

“Ийло маълум бир муддатга ичилган бўлса, қасам соқит бўлади.

Агар абадий бўлса эса, соқит бўлмайди. Агар хотинига иккинчи ва учинчи бор никоҳланса ҳамда муддат ўтгунича яқинлик қилмаса, кейинги ийло билан боин талоқ бўлаверади. Муддат уйланган вақтдан ҳисоланади. Агар хотин бошқа эрга текгач аввалги эр уни ўз никоҳига олса, тўрт ой ўтсада талоқ бўлмайди. Қасам ичганданги милк тугаганлиги учун. Агар бошқа эрга тегиб чиққандан кейин унга яқинлик қилса, қасамини боқий қолгани учун каффорат лозим бўлади” (Дуррул мухтор).

АЛЛОҲ ТАОЛО БИЛАН ҚАСАМ ИЧМАЙ БИРОР НАРСАНИ ЗИММАСИГА ВОЖИБ ҚИЛИБ ИЙЛО ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло исми билан қасам ичиш билан ийло қилишнинг баёни юқорида зикр қилинди. Лекин, бирор киши ийлода Аллоҳ исми билан қасам ичиш ўрнига шарт ва жазога кўра бирор бошқа нарса билан қасам ичса ва уни қилиш умумий тарзда машаққат туғдирадиган бўлса, бас қачон шарт топилса, яъни аёлга яқинлик қилса, жазо, яъни ичган қасами лозим бўлади. Масалан, бир киши аёлига: “Сенга яқинлик қилсам, менга ҳаж ёки бир ой рўза тутиш лозим бўлсин ёки қулларим озод бўлсин ёки сенга яқинлик қилсам бошқа аёлим талоқ бўлсин” деса ва аёли билан яқинлик қилса, бас бу кишига ҳаж, рўза, қулини озод қилиш ва аёлига талоқ воқе бўлади ҳамда шу билан ийло тугайди. Лекин, у киши тўрт ойгача аёлига яқинлик қилмаса, ийло сабабли унинг аёлига бир боин талоқ воқе бўлади. Чунки, аёлга яқинлик қилмаслик қасам билан рўёбга чиқди. Қасам эса, шарт ва жазодир. Жазо аёлга яқинлик қилишдан тийиб тургувчидир. Зеро, у жазо сабабли яқинлик қилишдан тўсиляпти. Агар шарт ва жазо бажариш қийин бўлган ишлардан бўлса, ўшак жазо ва шарт туфайли яқинликдан тийилиш собит бўлади ва буни ийло дейилади ва шунинг учун ҳам тўрт ой ўтишига бир боин талоқ воқе бўлади. Талоққа қасам ичишликнинг сурати шуки, мурожаат қилаётган аёлига талоқни муъаллақ қилади. Масалан, тўрт ойгача сенга яқинлик қилсам талоқсан дейиши каби. Талоқни таълиқ қилишнинг ҳам икки сурати бор. Хитоб қилаётган аёли билан қўшилишга талоқни таълиқ қилиш ёки хитоб қилинаётган аёлнинг кундошига талоқни таълиқ қилиш. Ушбу ҳар икки сурат ҳам яқинлик қилишдан тўсувчи ҳисобланади. Масалан, эр аёлига: “Сенга яқинлик қилсам талоқсан” деса ва тўрт ой ичида у билан яқинлик қилса, бир ражъий талоқ воқе бўлиб, ийло тугайди. Лекин, билинги, бу суратда ийло сабабли боин талоқ воқе бўлмайди. Агар эр аёлига қараб: “Сенга яқинлик қилсам фалон аёлим талоқ бўлсин” деса ва тўрт ой ичида у билан яқинлик қилса, хитоб қилинган аёлининг кундошига ражъий талоқ воқе бўлади. Лекин, ийло қилинган аёлга талоқ воқе бўлмайди. Ҳа, агар эр у хитоб қилган аёлига

тўрт ойгача яқинлик қилмаса, ийло туфайли кундошига талоқ тушмай ўзига бир боин талоқ воқе бўлади.

عَنْ مَوْلَى قُحَّحِ بْنِ لُؤْمِ وَهُوَ قَالَطٌ وَأَقْبَعٌ وَأَقْدَصَبٌ وَأَمَّوَصَبٌ وَأَحْبَبٌ فَالْحَوْلُ وَنَمَّاهُ فِي أَمَلٍ عَنَّا أَمَّا عَزَّيْزُ الْإِلَهِ وَهَدَّوْهُ وَأَزَّجْ لَوْ طَرَّشَ لَأُرْكَذَ وَهُوَ نِيْمٌ لِبَابِ لُكْ وَهُوَ تَبَّحِصَ قَالَطٌ وَأَقَالَطَ هُنَّ أَبْرُقَبَ قَلْعِي نَأَقَالَطُ لِبَابِ فَلَاحُ لَوْ... عَقَّ شَمْلًا عَنَّا كَلَدٌ

“Агар аёлим билан яқинлик қилсам ҳаж, рўза, садақа, қул озод қилиш ёки талоқ лозим бўлсин деб қасам ичса, қасам билан яқинликдан тўсувчи топилгани учун бундай киши ийло қилувчига айланади. Бундай қасам шарт ва жазони зикр қилишдир. Чунки, бундай жазоларда машаққат бўлиб, хотинга яқинлик қилишдан ман қилувчи бўлади. Талоққа қасам ичишликнинг сурати, яқинлик қилишни ўзининг ёки кундошининг талоғига боғлиқ қилишдирқ.” (Ҳидоя).

Шарт ва жазо тарзида бирор нарсага қасам ичса ва уни қилиш умумий тарзда қийинчилик туғдирмаса, бу ийло бўлмайди. Масалан, бир киши аёлига: “Сенга яқинлик қилсам, тўрт рақъат ёки бир кун рўза тутиш лозим бўлсин” деса, бу билан каффорат ҳам, ийло ҳам воқе бўлмайди, яъни тўрт ой ичида аёлига яқинлик қилса, тўрт рақъат ёки бир кун рўза лозим бўлмайди ёки аксинча тўрт ой яқинлик қилмаса, аёлга ийло сабабли бир боин талоқ воқе бўлмайди.

أَمْ كِهْ هُوَ حَوْلٌ لِكِهْ هُوَ سَفَنَ فِي أَقْشَمِ هُوَ وَكَطَرَّشَ لَأُحْمَزَلِيٍّ قَشْمِ عَيْشَبِ الْإِلَهِ! هُوَ وَقَرَّمِ أَمْ كِهْ لَسْكَ وَأَنْبُجْ لُهُ قَأْشِ إِضْرَعُ نَأُونِي تَعْكَ رَةَ أَلْصَوُ وَوَعْلَ كِهْ هُوَ رِيْغَ جَحْفِ، يَتَأْيِ حَتَفْ لَأَنْعِ

“Машаққатга солувчи нарса бўлиши лозим. Ҳаж ва у каби ўз нафсида машаққатга солувчи бўлиши шартдир. Ундан бошқа сафарбарликда қатнашиш, икки рақъат намоз кабилар чиқиб кетди. Гоҳида, қўрқоқлик ёки дангасалик туфайли уларда ҳам машаққатга солиш бўлсада. “Фатҳ” да ўтганидек” (Раддул мухтор).

Бир кишининг бир неча аёллари бўлса, ийло сабабли барча аёлларига талоқ воқе бўладими ёки фақат хитоб қилинган аёлигами? “Дуррул мухтор” соҳиби бу борада олимлардан турли қавлларни нақл қилганлар. Лекин, аллома Шомий барча қавлларни баён қилиб, сўзи охирида хулоса тарзда шундай деганлар: “Эр томонидан ийло қилишнинг турли суратлари бор. Агар эр фақат бир аёлига хитоб қилиб: “Сен менга ҳаромсан” деса, ҳеч қандай ихтилофсиз хитоб қилинган аёлига боин талоқ воқе бўлади. Бошқа аёлларига эса, талоқ воқе бўлмайди. Агар эр умумий сийғада: “Ҳар бир ҳалол нарса менга ҳаром” деса, бил иттифоқ барча аёлларига талоқ воқе бўлади. Агар эр бирликда: “Аёлим талоқ” деса, ҳеч қандай тайинсиз

аёллардан бирига талоқ воқе бўлади ва тайин қилиш эрни зиммасида қолади. Агар бир киши: “Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсалар ёки мусулмонлар учун ҳалол бўлган нарсалар менга ҳаром” деса, бас бу суратда олимлар ихтилоф қилганлар. Лекин, рожиҳ қавлга кўра ушбу суратда ҳам барча аёлларига талоқ воқе бўлади”.

لِحُكِّكَ "نَأْيُفَوَّهَ بَطَاحُ الْمَلِصُحِّي "مَآرَحَ هَيْلَعَتِنَا "نَأْيُفَ فَالْخَالِ هُنَّ أَصْحَابُ لَوِّ
وَأَمَّا هُنَّ أَرْمَى: وَيُقَارِعُ تَسَالِا مُمْغَلَا أَدَا حِرْصَلِ عَبْرَأَلَا مُعْي "مَآرَحَ هَيْلَع
لُحَّ وَهَلْ لُحَّ: وَحَن يَفُفُ الْخَالِ أَمَّنْ وَأَوْ هَيْلَعُ دَحَاوِ يَلَعُ عَقِي قُلْ لَط
هَبْ شَأْلَاوِ هَدَارْفَا رُوْصَ يَلْ إِرْطَنَ هَيْلَعُ مَرْيَغَ دَحَاوِ يَلَعُ عَقِي لِي قَفَ، نِي مَلْسُ مَلْ
لُحَّ مُعْيُ هُنَّ

“Хуллас, “сен унга ҳаромсан” деб айтилган сўз, унга қарата айтилган аёлга хос бўлади. Ҳар бир ҳалол унга ҳаромдир, деб айтилган сўз эса, агар тўртта хотини бўлса, тўраласига ҳам тегишли бўлади. “Кул” лафзи умумни ва ўз остига кирувчи барча нарсаларни очиқ ифода қилгани учун. Эрнинг “Ўз хотини унга ҳаром ёки талоқ” деган сўз билан тайинсиз битта аёлига талоқ воқе бўлади. Аллоҳнинг ҳалол қилган нарсаси ёки мусулмонларга ҳалол бўлган нарсалар, унга (яъни эр ўзига) ҳаромдир деган сўзда хилоф бор. Бир қилга кўра тайинсиз битта аёлга талоқ тушади деб ҳам айтилган. Лекин, нечта аёли бўлса, барчасига тегишли бўлиши муносиброқдир” (Раддул мухтор).

ШАРТ, ЖАЗО ВА АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ ИСМИДАН БОШҚА НАРСА БИЛАН ИЙЛО ҚИЛИШ

Бир киши шарт, жазосиз ва Аллоҳ таоло исмисиз ийло қилса, бас бу ийло шаръий бўлмайди. Масалан, бир киши аёлига хитоб қилиб: “Фалон санмга қасам ёки фалон пирга қасам (Аллоҳ таоло Ўзи асрасин)” деб, аёли билан тўрт ой ичида қўшилса, каффорат лозим бўлмайди. Агар эр тўрт ой ичида яқинлик қилмаса, аёлга талоқ воқе бўлмайди. Лекин, бундай қасам ичиш жоиз эмас. Зеро, ҳадисда бундан қайтарилган.

نَبَاتِ الْتَحَ أَيُّ لَوْمُ نُؤْكَيَ الْهَازَجَلْ أَوْ طَرَّشَلْ رِيَّغَبَ وَ لَجَّ وَ زَعَّ لَلْ رِيَّغَبَ فَ لَحَّ وَ لَوِّ
مَادِعْنَ الْنِي مَبَسَّيْ لُ هُنَّ أَلْ! هَبْرَقْ نَ إِيْلَعَّ رَافَكَ الْوِ، عَيْفَ رِيَّغَبَ نَمَّ دُمَلْ يَضْمُ ب
أَوْ فَلَ حَتْ أَلْ { مَلَسَّوْ هَيْلَعُ هَلْ لَ L
يُورَوِ، { رَدِّيْ لَ وَأَلْ لَبَّ فَلَ حَّ يَلَفَ أَلْ لَ حَّ مَكُنْ مَنَ أَلْ نَمَفَ تِي غَاوْ طَلَبَ أَلْ وَ، مَكْنِيَّ أَبَّ
{ كَرَّشَأْ دَقَفَ لَلْ رِيَّغَبَ فَ لَحَّ نَمَ }

“Агар Аллоҳ азза важалладан бошқаси билан ва шарт жазоларни ишлатмай қасам ичса, ийло қилувчи бўлмайди. Ҳатто, аёлига яқинлик қилмай муддат ўтиб кетса ҳам талоқ воқе бўлмайди. Агар яқинлик қилса, эрга каффорат ҳам лозим бўлмайди. Чунки, унда ямийн, яъни қувват маъноси бўлмагани учун қасам эмасдир. Набий

қасамини бузган бўлмайди. Агар эр ёки аёл беморлиги туфайли амалий тарзда тўрт ой ичида яқинлик қилишни имкони бўлмаса ёки аёлнинг жинсий аъзосида ратқо (гўш, суяк, без каби нарса пайдо бўлиб, яқинлик қилишга монельлик қиладиган) касаллиги пайдо бўлса ва шу сабабли аёл билан яқинлик қилишни иложи бўлмаса ёки аёл жуда ёш бўлгани сабабли яқинлик қилиш мумкин бўлмаса ёки эр билан аёлнинг ўртасидаги масофа тўрт ойдан зиёда муддатни ташкил қилса “Ҳидоя” асарининг соҳиби бу суратларнинг барчасида эрга сўз билан аёлига қайтиш ихтиёри берилади деганлар. Агар юқоридаги шартлар топилган эр ийло муддатининг ичида: “Мен аёлимга қайтдим” деса, баса ийло соқит бўлади. “Иноя” асарининг соҳиби унга қўшимча қилиб: “Агар эр бемор бўлса, унинг уч сурати бор:

1. Эр соғлом ҳолатда аёлини ийло қилса ва ийлодан кейин соғлом ҳолатда бир неча пайт юрса ва шу вақт оралигида аёли билан қўшилишни истаса, қўшила олишга қодир бўлса-ю, лекин бу ишни қилмаса ва бемор бўлиб қолса, бас бизнинг наздимизда бундай киши фақат жимо билан аёлига қайтиши мумкин, сўз билан эмас;

2. Бир киши касал ҳолатида ийло қилса ва ордан тўрт ой ўтгунча касаллиги давом этса, бундай кишининг ийлоси сўз билан дуруст бўлади. Ражъат қилиш сўзлари қуйидагилар: Унга қайтдим, унинг ийлосини ботил қилдим, уни қайтариб олдим кабилар. Агар яқинлик қилишга қодир бўлмаган киши сўз билан аёлига қайтса, қасам каффорати лозим бўлмайди. Чунки, каффорат қасамни бузишга тайин қилинган жазодир. Эр аёлига яқинлик қилмас экан “аёлимни ўзимга қайтариб олдим” деган эрнинг сўз билан ийло бекор бўлиб, қасам бузилмайди;

3. Бир киши касал ҳолатида ийло қилса ва ийло муддати оралигида жимо қилишга қодир бўлиб қолса, бас унинг аёлга қайтиши яқинлик билан бўлади. Агар жимога қодир бўлишдан олдин сўз билан аёлга қайтган бўлса, эътиборга олинади. Агар сўз билан қайтган бўлмаса, тузалгандан кейин сўз билан ражъат қилиши ботил бўлади. Чунки, ўринбосар воситасида мақсадга эришиш, аслга қодир бўлмаган суратдагина бўлади. Бу ерда эса, эр аслга қодир бўлиб қолди.

أَلَّ رِيَّعًا وَأَقْرَبًا وَأَضْرَمَ تَنَاقًا وَأَعَامَجًا لَعَلَّ رُدِّيَ إِلَى رَمِي لَوْ مَلَا نَاكَ نِوًا
نَا هُوَ فِإِلِي لِدُّمُ فِي أَهْلِي لِصَيِّ نَأْ رُدِّيَ أَلْهُ فِإَسْمَ أُمِّهِ نَبَّ تَنَاقًا وَأَعَامَجَت
أَلَّ رِيَّعًا لَطَقَسَ لَدَلَّاقًا نِإْفِءِ أَلِّي لِدُّمُ فِي أَهْلِي لِصَيِّ نَأْ رُدِّيَ لَوْ مَلَا نَاكَ نِوًا

“Ийло қилувчи касаллиги туфайли яқинлик қилишга қодир бўлмаса ёки аёл бемор, ратқо (қин ичидан суяк ўсиб чиқиб яқинлик мумкин бўлмайдиган аёл) ёки тенгқурлари яқинлик қилинмайдиган даражада ёш бўлса ёки эр-хотин ўртасида сафар масофаси бўлиб, ийло муддати ичида бир-бирига етиша олмаса, эрнинг ийло

тутади. Агар рўзани узулуксиз тутмаса, қасам каффорати адо бўлмайди.

Масала: қасам каффорати қасамини бузгандан кейин адо қилинади. Шунинг учун агар жимодан олдин каффоратни адо қилиб, жимо қилса, бас каффорат адо бўлмайди ва қасамни бузгандан кейин каффоратни қайтадан адо қилади.

مُهْتَوِسْكَ وَأَرَاظِلَالِي فِإْمَهُ أَمَكَ نَيْكَاسَمَ رَشَعْمَ عَطِإً وَأَبَقَرُ قَاتَعِ هُرَّافَكَ وَ
ءَايَشْأَلِ نَعْيُ أَهْنَعَزَجَعْنِ فِإِي وَارْسَلِ زَجِي مَلَفِ وَنَدَبَ مَاعِ رُسَيْ بَوْتِ لِكُلِ
هَلْوَقِ هِي فُلْصَالِ أَوْ (ءَالِ وَمَايَ أَثَالِ مَاصِ ءَادَالِ ءَادَالِ تَقْوِ أَيِ ءَادَالِ تَقْوِ ءَالِ ثَالِ
الِي نَعْيِ شَنْحَلْبَقِ رَفَكُيْ مَلَوَ ءَالِ { نَيْكَاسَمَ رَشَعْمَ عَطِإً هُرَّافَكَ فِ } لَعَالِ
تَنْحَلِ لَعَالِ عَرَّافَكَ لِمِ دِقَتِ زُوجِي

“Унинг каффорати зиҳордаги каби бир қул озоқ қилиш ёки ўнта мискинга таом бериш ёки зиҳорда бўлмаган ўн кишига баданларини кўп қисмини яширадиган даражада кийим кийдириш. Шунга биноан, ёлғиз шалворлар жоиз эмас. Агар адо қилиш вақтида юқоридаги уч нарсдан ожиз қолса, уч кун кетма-кет рўза тутишдир. Бу борадаги далил Аллоҳ таолонинг “Унинг каффороти ўнта мискинни тўйдиришдир” деган сўзидир. Қасамни бузишдан аввал каффоратни адо қилиш жоиз бўлмайди ” (Дурарул ҳуккам).

ИЙЛОДА ЎЗ-ЎЗИДАН БОИН ТАЛОҚ ВОҚЕ БЎЛАДИ ВА ЭР-ХОТИННИНГ ЎРТАСИНИ АЖРАТИШ УЧУН ҚОЗИНИНГ ҲУКМИГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Ийлонинг муддати тўрт ой ўтгандан кейин аёлга ўз-ўзидан боин талоқ воқе бўлади. Эр-хотин ўртасини ажратиш учун қозининг ҳукмига зарурат йўқ.

عَبْرَالِ تَضَمَ إِذِ الْوُقُيْ أَنْكَ أُمَّهَنْعُ لَلِإِيضَرِ تَبَاثُنْ دِي زَوْنِافْ عُنْ بِنَامْ شُع
ةَ قَلْطَمَلِ ءِدَعُ دَتَعْتِ أَوْسَفَنْبُ قَحْأِي هَوْ ءِدَحْ أَوْي هَفْ رُهْ شَأَلِ

Усмон ибн Аффон ва Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳумлар айтадилар:

“Тўрт ой ўтса, у бир (боин талоқ)дир. У (аёл) ўзига ҳақлироқ бўлиб, талоқ қилинган (аёл)ни иддасини ўтиради”.

Бу мазмунда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Ибн Аббос розияллоҳу анҳумлар ва тобиинлардан ривоят нақл қилинган.